

# Шавкат Мирзиёев: Қозоғистон бизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкоримиз



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев топ доирада музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида Ўзбекистон раҳбари қозоғистонлик ҳамкасби ва кўп миллатли Қозоғистон халқини 16 декабрь куни нишонланган Мустақиллик куни билан самимий табриклиди.

Етакчилар ушбу музокаралар Ўзбекистон-Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожига янги кучли суръат бағишилашига ишонч билдирилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг яқин ва ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

- Ўзбек ва қозоқ халқлари - нафақат яқин қўшни, балки муштарак тарихий мерос, маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган қардошлардир.

Бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз, биз уни қадрлаймиз ва қадрлашда давом этамиз. Бизнинг тақдиримиз бир, келажагимиз ҳам умумий, мен бунга ишонаман, - деди Шавкат Мирзиёев.

Сиёсий, савдо-иктисодий, энергетика, қишлоқ хўжалиги, сув ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тубдан кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.


Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларида сезиларли муваффақиятларга эришилгани таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Давлат раҳбарлари қарийб 5 миллиард долларга етган ўзаро савдо ҳажми жадал ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Йирик кооперация лойиҳалари муваффақиятли

амалга оширилмоқда.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёning барқарор тараққиётини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.



**Манба**